

**ХДР**

1918-yil  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan

№44, 2022-yil  
2-noyabr,  
chorshanba (32.738)

# O'zbekiston O'VOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

*Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi*

## ИМТИЁЗЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев хузурида иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган имтиёзлар самарадорлиги таҳлили бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.**

Инсонлар ўз бизнесини бошлаши, ночор корхоналар ёки чекка ҳудудлар "оёққа туриб олиши" ва янги экспорт бозорларига кириши учун баъзан ёрдам керак. Бу пировард натижада янги иш ўринлари пайдо бўлиши ва аҳоли даромадлари ошишига хизмат қилади.

Шу мақсадда охириги йилларда бир қатор имтиёзлар жорий этилди. 2021 йилда уларнинг жами ҳажми 51 триллион сўмни ташкил қилган. Натижада ўтган йили 170 мингта янги тадбиркорлик субъекти очилган, 500 мингдан зиёд иш ўрни яратилган.

Охириги олти йилда биргина солиқ соҳасида 1 минг 400 га яқин имтиёзлар тақдим этилган.

Экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган субсидиялар ҳам ўз натижасини бериб, тадбиркорларнинг ташқи бозорга чиқишига мадад бўлмоқда. Биргина ўтган йилда 280 миллиард сўмдан ортиқ шундай субсидиялар ажратилган бўлиб, унинг 220 миллиардга яқини экспорт бўйича транспорт харажатларига йўналтирилган. Натижада 2 минг 800 та корхона илк бор ташқи бозорга чиққан.

Шунингдек, экспортчи корхоналарга халқаро стандартлаш ва сертификациялаш, суғурта ва хатто реклама харажатлари қисман қоплаб берилмоқда. Натижада электр техникаси тармоғида берилган ҳар бир сўм субсидия эвазига 870 сўмлик экспорт амалга оширилган. Бу кўрсаткич тўқимачилик соҳасида 555 сўм, қурилиш материаллари соҳасида 273 сўмни ташкил этган.

Тадбиркорларга кўмаклашиш учун кредит фоизларини компенсация қилиш ва кредит кафолатлари бериш тизими яратилди. Уларга кредит юкларини камайтириш мақсадида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 6 триллион 100 миллиард сўмлик мажбуриятлар олинган бўлиб, жорий йилнинг ўзида 2 триллион 500 миллиард сўмлик компенсациялар тўлаб берилган.

Лекин, жойларда имтиёزلардан самарасиз ёки мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, давлат бюджетидан 127 турдаги субсидиялар жорий этилган бўлса-да, амалда уларнинг 15 тасидан фойдаланилмапти.

Тармоқлар ва соҳалар бўйича ҳам имтиёзлар самарадорлиги бир хил эмас. Мисол учун, қишлоқ хўжалигига берилган ҳар 1 сўм имтиёз эвазига соҳада 33 сўм қўшилган қиймат яратилмоқда. Бу кўрсаткич соғлиқни сақлаш соҳасида 30 сўм, таълимда 22 сўм, ахборот технологияларида 16 сўмни ташкил этмоқда.

Йиғилишда имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

– Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларига туртки бериш учун илгари тарихимизда бўлмаган имтиёزلарни жорий этишга мажбур бўлдик. Бугун улардан натижа, сабоқ, тажриба қандай бўлди, деган саволга жавоб топиш керак. Бюджетдан ажратилган ҳар бир сўмнинг ҳисоб-китобини жойига қўйиш, имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, Бош вазир ўринбосари ва молия вазирлиги барча имтиёз ва субсидияларнинг натижадорлиги кўрсаткичларини белгилаб, улардан самарали фойдаланиш бўйича қатъий назорат тизимини жорий этиш топширилди.

Ҳисоб палатасида мониторинг бўлими ташкил этиб, имтиёзлар самарадорлигини доимий таҳлил қилиб бориш вазифаси қўйилди.

Солиқ ва божхона имтиёзларини хатловдан ўтказиб, самарасизларини бекор қилиш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун берилган имтиёزلарни бирхиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳудудлар кесимида олганда, солиқ имтиёзларининг 31 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларининг улуши 2 фоиздан ошмайди. Лекин Сурхондарёнинг Олтинсой туманида ҳам, Тошкент шаҳрининг Миробод туманида ҳам тадбиркорлар учун белгиланган талаблар, солиқлар, имтиёзлар, субсидия, компенсация ва преференциялар бир хил.

Шу боис давлатимиз раҳбари солиқ имтиёзларини ҳудудларнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб белгилаш бўйича кўрсатма берди.

– Энди жойларга бориб, манзилли қарорлар қабул қилиб, имтиёзлардан тўғри фойдаланиб, чекка-чекка туманларни ҳам ривожланиш йўлига олиб чиқиш керак, – деди Президент.

Аҳоли ва тадбиркорларнинг бу борада хабардорлигини ошириб, имтиёзлардан фойдаланиш қамровини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Субсидиялар бўйича ягона очик портал яратиб, барча имтиёзларни босқичма-босқич шу орқали бериш таклифи билдирилди.

ЎЗА.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГЕРМАНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Германия федерал ташқи ишлар вазири Анналена Бербок бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсий идоралари даражасида сермахсул алмашувларни давом эттириш,

биргаликдаги ишбилармонлик ташаббуслари ва бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизмларини самарали ишга солиш, маданий-гуманитар тадбирларни ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари ўсаётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 45 фоизга ошди. Жалб этилган инвестициялар ҳажми йил якунига бориб 1 миллиард еврогача бўлади. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистонда Германиянинг 200 дан ортиқ етакчи компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, молиявий-техник ҳамкорлик, шу жумладан, «КfW» банки

ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти иштирокида кенгайиб бормоқда.

Ташқи сиёсий идора раҳбари Анналена Бербок Янги Ўзбекистондаги демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастури Германия томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор қайд этди.

Томонлар "яшил" иқтисодиёт, муқобил энергетика, инновациялар, ресурсни тежовчи ва экологик тоза технологияларни қўллаш, илғор таълим методикаларини жорий қилиш каби устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

ЎЗА.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ 31 ЁШДА



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН МУНОСАБАТИ БИЛАН ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАИСИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ УЛУҒБЕК ИНОЯТОВНИНГ ТАБРИГИ**

**Ҳурматли партиядошлар! Мухтарам фахрийлар ва депутатлар!**

Аввало, сиз, азизларни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кун билан самимий табриклайман!

1991 йил 1 ноябрь куни бўлиб ўтган Таъсис қурултоида партиямизга асос солинган эди.

Партияимиз ўтган давр мобайнида шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтиб, ўзининг кучли кадриятларига асос солди, десак, муболағга бўлмайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақилликка эришган мамлакатимизда **давлат бошқаруви институтларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришда, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришда тарихий вазифани ба-**

**жаргани билан ҳақли равишда фахрланамиз.**

Ўзбекистонда ҳозирга қадар бўлиб ўтган барча парламент ва президентлик сайловларида фаол иштирок этган ягона сиёсий куч бизнинг партиямиздир. **Йиллар давомида партиямиз сафидан давлат ва жамият арбоблари, ўз касбларининг фидойилари етишиб чиққанини алоҳида таъкидлаш лозим.**

**Кейинги йилларда халқ билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, Янги Ўзбекистонни, ижтимоий демократик давлатни бунёд этиш йўлидаги эзгу ва кенг қамровли ислохотлар партиямиз устувор дастурий мақсадлари амалга ошишининг муҳим кафолати бўлмоқда.**

Давоми 2-бетда. ▶

## ФАҲРИЙЛАР ВА ЁШ АЪЗОЛАР УЧРАШУВИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Медиа марказида партия ташкил топганининг 31 йиллиги муносабати билан давра суҳбати ўтказилди. Унда партиянинг Марказий Кенгаши, Фахрийлар Кенгаши аъзолари, Тошкент шаҳар кенгаши масъуллари ва "Ёшлар қаноти" аъзолари иштирок этди.**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Фирдавс Шарипов иштирокчиларни партиянинг 31 йиллиги билан муборакбод этиб, белгиланган дастурий мақсадларга эришиш учун ҳамжиҳатликда фаолият юритиш зарурлигини таъкидлади.

Аввало, партиянинг мамлакатимизда демократик кадриятларни мустаҳкамлаш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга қўшган муносиб ҳиссаси эътироф этилди.

Таъкидландики, ўтган давр мобайнида партия ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиб, мафқуравий фаолияти ҳар тарафлама янги қиёфада шаклланди. Энг муҳими, кўйи тизим мустақиллигини таъминлаш масаласи қўйилмоқда. Бир қанча туман кенгашларига молиявий мустақиллик берилди. Бу эса кўйи тизимни ривожлантиришда ўз самарасини бермоқда.

Ўтган давр мобайнида партия кенгашларининг депутатлар билан алоқаси ҳам мустаҳкамланди. Халқ дардига

қулоқ тутиш, уларнинг муаммоларини ўрганишда биргаликда фаолият олиб борилмоқда. Жойларда парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати кучайтирилди. Натижада аҳолининг уларга бўлган ишончи янада ошмоқда.

Сўзга чиққанлар мамлакатдаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида Халқ демократик партиясининг мустаҳкам ўрни ва позицияси бўлиши зарурлигини таъкидлашди. Бу борада олдинда турган вазифалар бўйича таклиф ва мулоҳазалар берилди.

Тадбир якунида фахрийлар ва партиянинг жонқуяр аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ 31 ЁШДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ  
ТОПГАН КУН МУНОСАБАТИ БИЛАН ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ  
КЕНГАШИ РАИСИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ  
УЛУҒБЕК ИНОЯТОВНИНГ ТАБРИГИ



Қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, имкониятларнинг кенгайиши натижасида юртимизда демократик сиёсий муҳит бутунлай ўзгарди. Вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари, давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки ортиб бормоқда.

Партиямиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси орқали қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқат ҳисобдорлигини таъминлаш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз жойларда

◀ Давоми, бошланғичи 1-бетда.

сиёсий ва дастурий мақсадларимизга эришиш бўйича ташаббускорлик кўрсатмоқда, аҳоли муаммоларини таҳлилий-танқидий ўрганиб, ижро ҳокимияти устидан депутатлик назоратини кучайтирмоқда. Электорат манфаатларидан келиб чиқиб, долзарб масалалар олиб чиқилмоқда.

Депутатларимиз, фаолларимиз муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўз позициясини эркин билдирмоқда ва ҳимоя қилмоқда. Буларнинг барчаси партиямизнинг халқимиз, сайловчилар олдидаги масъулиятини оширди.

**Ҳурматли дўстлар!**

Кейинги йилларда партиямиз тизимида қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, марказлашган тизимдан воз кечиб, қўйи ташкилотларимиз мустақиллигини таъминлаш масаласини кун тартибига қўйдик. Кўплаб туман кенгашларимизга молиявий мустақиллик берилди. Бу эса қўйи бўғинни ривожлантиришда ўз самарасини кўрсатади.

Кенгашларимизнинг депутатлар билан алоқаси мустақамланди. Халқ дардига қулоқ тутиш, одамларнинг муаммоларини ўрганишда биргаликда фаолият олиб борилмоқда. Жойларда парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати кучайтирилди. Натижада аҳолининг улarga бўлган ишончи янада ошмоқда.

**Партиямиз сафида кўпни кўрган, эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлган фахрийларимиз, фаолларимиз билан бирга, ёш, шижоатли аъзоларимиз**

» **Кейинги йилларда халқ билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, Янги Ўзбекистонни, ижтимоий демократик давлатни бунёд этиш йўлидаги эзгу ва кенг қамровли ислохотлар партиямиз устувор дастурий мақсадлари амалга ошишининг муҳим кафолати бўлмоқда.**

**сафи ҳам кенгайиб бораётганини алоҳида эътироф этишимиз лозим. Парламентда, маҳаллий Кенгашларда**

**энг ёш депутатлар бизнинг партиямиздан экани қувонарли ҳол, албатта.**

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илк бор ташкил этилган Ёшлар парламентиға партиямиздан 49 нафар ёш йигит-қизлар сайлангани кучимизга куч, ғайратимизга шижоат қўшмоқда. Ишонамизки, уларнинг орасидан келажакда етук сийсатчилар, парламент депутатлари, сенаторлар этишиб чиқади.

Биз бундан кейин ҳам партиямизнинг қўйи бўғинини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустақамлаш учун барча имкониятларимизни сафарбар этамиз. Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга фидокорона меҳнатингиз учун чуқур миннатдорчилик билдираман.

**Ҳурматли партиядошлар!**

Сиз азизларни мустақиллигимиз билан бирга одимлаб, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун хизмат қилаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кун билан самимий табриқлаймиз.

**Халқ манфаатлари ҳамма нарсдан устун, деган эзгу мақсад йўлидаги фидокорона фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!**



**Халилла ЕШИМБЕТОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги партия фракцияси раҳбари:

— Жамиятимиздаги фикрлар хилма-хиллиги, одамлар тафаккуридаги янгиланишлар Учинчи Ренессанс пойдевориға мустақам замин бўлмоқда.

Давлат ва жамиятимизнинг ривожланишида сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам муносиб ўрни бор. Партиямиз сафидаги аъзолар, барча даражадаги депутатлар, мана, 31 йилдан бери халқимизнинг манфаатлари йўлида фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган давр давомида партия электорати, сайловчиларни ўйлантириб келатган муаммолардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги партия фракцияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан партия гуруҳлари, доимий комиссия, сессияларда кўплаб масалалар муҳокама этилиб, муҳим қарорлар қабул қилинишиға эришиб келинмоқда.

Бугунги кунда партиянинг сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишға қаратилган қатор лойиҳалар ва амалий ишлар натижаларини бермоқда.

**Алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда Қорақалпоғистонда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, фуқароларнинг устувор ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳал этилишиға ишонши қийин бўлган муаммоларға ҳам ечим топилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қорақалпоғистонликларнинг кайфияти кўтаринки, ишончи мустақам.**

Фурсатдан фойдаланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги партия фракцияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, партиянинг республика Кенгаши номидан барча партиядошларимизни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 31 йиллиги билан самимий табриқлаймиз.

Партиямизнинг дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда, ғояларини аҳоли орасида тарғиб қилишда партиядошларимизға куч-қувват, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларида омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.



**Январ ИНОЯТОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи:

— Совет тузуми парчаланиб, Ўзбекистон мустақиллик йўлиға қадам қўйганида, тараққиёт йўналишини аниқ белгилаш, юртдошларимизнинг фикри ва ижтимоий мўлжалини эзгу нуқтада жамлаш жуда муҳим эди. Шундай бир мураккаб даврда Халқ демократик партияси долзарб ижтимоий-сиёсий вазифани бажарди.

Ўзбекистон ХДП парламент типидеги партия ҳисобланади. Электорат манфаатлариға хизмат қиладиган партиянинг дастурий мақ-

садлариға эришиш аъзолар ҳамда депутатлик корпусининг бош маслағи ҳисобланади. Амалий мафкуравий ишнинг асосий қисми партиянинг ҳудудий ва бошланғич ташкилотлари зиммасидадир. Шунга мувофиқ Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон ХДПнинг 33 мингдан зиёд аъзоси, 643 та БПТ ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларға сайланган 128 нафар депутат фаолият олиб бормоқда.

Албатта, сиёсий партиялар ўз мафқураси доирасида фаолият олиб борар экан, жамият аъзоларини турли гуруҳларға, табақаларға бўлиб юборишни эмас, балки фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, эркин ва фаровон ҳаётни, Янги Ўзбекистонға муносиб бўлган партия аъзоларини тарбиялашни мақсад қилади.

Биласизми, кечаги кун билан бугунгисини солиштириб бўлмайди. Чунки авваллари партияға мансубликка ноўрин муносабатда бўлингн. Масалан, партияға қабул қилиниш осон бўлмаган. Аммо ўндан истаган пайтда чиқишининг имкони йўқ эди. Партиясиэз кишиларға жуда ҳам паст назар билан қаралган. Ҳозир эса ҳар ким ихтиёрий равишда эмин-

эркин ўз иродасиға мувофиқ йўл тутуди. Аслида бутун дунё таърибасида ҳам инсонлар мажбуран эмас, шахсий истақлариға кўра танлов қилиш ҳуқуқиға эға.

Партиямиз сафида ёшларни кўриш қувонарли. Чунки уларнинг ғайрати бор, янги ташаббусларға эға. Уларнинг фаоллиги билан партия халқ ичиға янада чуқурроқ кириб бораверади. Электорат манфаатларини ҳимоялашда ҳам жонбозлик кўрсатаверади. Фақатгина ҳали сиёсий билими етарли бўлмаган ёшларға ўргатиш, тўғри йўл кўрсатиш, билим ва кўникмаларини бойитиб боришлари учун шариот яратиш зарур.

Мисол учун, партияларнинг бир-биридан фарқи қандай, уларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат мазмунидеги масалаларни тушунтиришға ҳаракат қиламиз. Улар партия тадбирлари, мулоқотларда қатнашиб, ўз билимини бойитиб боради. Аммо бир нарсани айтиш керакки, ҳамма аъзо бўлганлар ҳам бирдек фаол ва ташаббускор бўлаверамиди. Чунки бу табиат қонуни. Ҳар ким ўзига қизиқ йўналишларда яхши натижалар, ютуқлар қайд этади.



**Бўритош ШОДИЕВА,**  
партия фахрийси:

— Халқ демократик партияси суронли даврларни бошдан кечирган забардаст партия ҳисобланади. Мустақилликни мустақамлашда партиямиз аъзоларининг хизматлари катта. Ҳозирги кунда партиямиз фаоллари нуфузли вазифаларда ишлаб келмоқда.

Уша даврларда муҳим қарорлар қабул қилиш керак эди. Шу партия аъзоларининг садоқати, билимдонлиги, сиёсий жиҳатдан кучлилиги боис жамиятда барқарорлик таъминланди, десак, муболаға бўлмас.

Муҳими, ҳар бир натижаға тинч-осойишта йўл билан эришилди. Аввало кўшни давлатлар, қолаверса, хоржиий мамлакатлар билан дўстона алоқалар йўлга қўйилди. Ўйлайманки, буларнинг барчасида мана шу партия ҳамда аъзоларининг муносиб улуши бор.

Эсимда, биринчи марта 250 та депутатлик ўрни учун

сайлов ўтказилди. 634 нафар номзод кураш олиб борди. Олий Мажлис номли янги институтға 15 миллат вакиллари сайланди. 208 нафар депутат олий вакиллик органиға биринчи марта сайланиши эди. Уларнинг кўпчилиги иқтисодчилар, юристлар, кишлоқ хўжалиги мутахассислари, фан ва адабиёт намоёндалари бўлган. Ўшанда ҳокимият вакиллик органларидан 120 нафар депутат сайланган бўлса, 69 нафари ХДПдан бўлган. Фахрланадиган яна бир жиҳати шуки, халқимизнинг етук намоёндалари шу партияға содиқ бўлган. Икки нафар Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ҳамда Эркин Воҳидов ҳам шу партия аъзоси бўлган. Бу билан ёш аъзоларимиз ана шундай партиянинг сафида эканини билиб қўйсин, дейман-да.

Мураккаб жараёнларни босиб ўтган, бевосита иштирокчиси бўлган партиянинг аъзоси сифатида яшадим. Ҳаётим мазмунини партия кўмагида чуқурроқ англаганман.



**Жавлонбек АБДУЛЛАЕВ,**  
Наманган давлат университети магистранти, халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши депутати:

— Ҳаётимнинг асосий қисми, яъни 19 йили кўлтиқтаёқда ўтди. Ҳеч нарса осон бўлмади.

Эришиш учун интилиш, интилиш учун эса ирода ва ишонч керак эди. Ҳаттоки, олий таълим муассасасиға ўқишға кирганимда ҳам дўстларим бўлмаган. Бирор-бир лойиҳада фаоллик кўрсатмаганман. Доим ўзимни камситилгандек ҳис қилганман.

2017 йилда бахтли тасодиф туфайли ЎзХДП вилоят кенгашида ишлайдиган Мўътабар опани учратдим. У киши менға партия электорати эканимини, унга аъзо бўлган, қўлга киритишим мумкин бўлган имкониятларни

сўзлаб берди. Ана шу нуқтадан ҳаётим ўзгарди. Турли тадбирларда, лойиҳаларда фаол қатнашдим. Ўзимни мана шу жамиятнинг бир бўлаги сифатида ҳис қила бошладим. Тез орада, яъни 2019 йилда туман Кенгашиға депутат бўлиб сайландим. Йиллар давомида мен ўзимни кимгадир муҳтождек ҳис қилиб яшар эдим. Лекин энди одамлар менға дардини, ташвишини айтдиғани бўлди. Энди мен ҳам кимгадир ёрдам қилаётгандим.

Уша машъум воқеа ҳақида гапирадиган бўлсам, 6 ёшда эдим. Отам билан онам бозор қилгани кетишганди. Опам эса уй ишлари билан банд бўлган. Ўйнагани кўчага қикдим. Чанқаб кетиб ариқдан сув ичгани бораётсам, узоқдан нимадир келатганини пайқадим аммо қочишға, девор тағига ўтишға улгурмадим. Сониялар ичида мен «КамАЗ» гилдираги ёнида ҳаммаёғим қон, бир аҳволда ётиб қолибман.

Кўзимни очсам, шифохонадаман. Зўрға ўрнимдан туришға ҳаракат қилардим. Устиға ёпилган матони кўтарганимдан сўнг «Оёғим қани?», деб бақирдим. Шу онда мижжа қоқмай бошимда оёқда турган онажоним мени ҳолатимни кўриб, хўнграб йиғлаб юбордилар, отам эса палатадан чиқиб кетдилар... Авто фалокат сабабли тўшақда ётган

пайтларимда китоблар менға энг яқин дўст бўлди. Ҳаётимда улар билан боғлиқ яхши хотиралар талайгина. Уйимизда дадам раҳматлининг ижодхоналари бўларди. Шифтға қадар ўрнатилган жавонларға китоблар юксак дид билан жойлаштирилган. Бир тарафда луғат, энциклопедиялар туркуми бўлса, бир тарафда ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари... Машраб, Бобур, Пушкин... рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин...

Кейинчалик ҳам ўз қобигимдан чиқиб кетишим осон кечмади. Кимгадир жуда ҳам баландпарвоз гап бўлиб туюлиши мумкин. Аммо партия менинг ҳаётимда алоҳида ўрин тутуди. Мени жамиятға қўшган, билимларимни фойдали ишларға сарфлашға йўналтирган, кимгадир нафим тегишиға сабабчи бўлган куч – Халқ демократик партияси. Шу кунгача нафақат вилоят фаоллари, республика партия ташкилоти ҳам мени қўллаб-қувватлаб келмоқда. Тақдиримдан нолимайман. Бир оёғим йўқлиги менинг орзуларимни йўқ қила олмади. Партия эса улarga қанот бўлди. Бунинг учун мени ушбу сафға киришимға сабабчи бўлганлардан бир умр миннатдорман.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ТИББИЁТ ХОДИМИ БЕ-  
МОР ЯҚИНЛАРИ ТОМО-  
НИДАН КАЛТАКЛАНГАНИ  
ҲАҚИДАГИ ХАБАРЛАР  
КАМАЙМАЯПТИ. ЖАЗО-  
ЛАНГАНЛАР ҲАҚИДАГИ  
ХАБАРЛАР ЭСА ЖУДА  
КАМ. ТИББИЁТ ХОДИ-  
МИНИНГ КЕЧИКИШИ,  
ВАҚТИДА МУОЛАЖА  
ҚИЛМАГАНИ ЁКИ ЯНА  
БОШҚА САБАБЛАР РЎ-  
КАЧ ҚИЛИНМОҚДА. ҲЕЧ  
БИР ТИББИЁТ ХОДИМИ  
БЕМОРГА ОЗОР БЕРИШ,  
УНИНГ АҲВОЛИНИ ОҒИР-  
ЛАШТИРИШНИ МАҚСАД  
ҚИЛМАСА КЕРАК.



# ТИББИЁТ ХОДИМИНИ ҲАМ, БЕМОРНИ ҲАМ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КЕРАК

Тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими қандай ишлайди? Тиббиёт ходими тажовуз қилганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланиши лозими? Утган йили тиббиёт ходимларини уриш, жароҳат етказиш, моддий ва маънавий зарар бериш жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида қонун лойиҳаси муҳокама қилинган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар нафақат тиббиёт ходимлари, умуман, ҳеч кимга қўл кўтариш мумкин эмаслиги, бу борада қонунда жавобгарлик белгиланганини маълум қилган. Қонун қатъий бўлса, жазо ҳам муқаррар бўлади. Қандай йўл тутуш лозим?

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам айнан ушбу масала муҳокама қилинди. Яъни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Унга кўра, тиббиёт ходимларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари маъмурий жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган. Хусусан, тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳам оғир ҳолат бўлади. Тиббиёт ходимига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлишини белгилаш тақлиф қилинмоқда.

Тартибга қақриш учун, тиббиёт ходимлари ҳимоясини кучайтириш учун бу меъёр муҳим. Бир жиҳатдан бу тўғри. Чунки жарима миқдори кам эмас. Одамлар уни тўлашдан кўра, ўзини тишини маъқул кўради.

Тан жароҳати етказиш, ҳақорат қилиш ёки қўл кўтариш каби ҳолатларга меъёрлар аллақачон тегишли қонунларда бор, бу меъёрлар нафақат тиббиёт ходимларига, балки ҳар қандай инсонга нисбатан содир этилганда жавобгарликка сабаб бўлади.

Депутатлар ана шундай ҳодиса тиббиёт ходимлари билан содир бўлганда **фуқаронинг ўзи даъвогарлик қилмаса ҳам, судга-суд, идорама-идора олиб-югурмаса ҳам давлат унинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим, деган фикрни билдирмоқда.** Чунки ҳимоят вазифини бажарётган шахсга қўл кўтариш жиддий жавобгарликка сабаб бўлиши керак.

Бу каби тақлифларни фракция аъзоларининг катта қисми қўллаб-қувватласа, яна бир қисми бошқа фикрларни билдирмоқда. Хусусан, виждонсиз, ишига масъулиятсиз тиббиёт ходимлари ҳам йўқ эмас, афсуски. Ана шундай кишилар Маъмурий жавобгарликка тақлиф

этилатган янги моддадан усталлик билан ҳимоя сифатида фойдаланиши мумкин бўлиб қолади. Яъни, бемор, унинг яқинлари бирор масалада маслаҳатлашмоқчи, касбий бурчини яхшироқ бажаришни, масалан, бемордан тез-тез хабар олиб туришни сўрайдиган бўлса, тиббиёт ходими янги моддани рўқач қилиб, фаолиятини тўсқинлик қилманг, деб қолмайдими, деган савол, мулоҳазалар ҳам йўқ эмас.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. Лекин иккинчи ўқишда катта тортитувлар бўладигандай. Бу орада умуман бошқа ва янги тақлифлар ҳам йўқ эмас.

**Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Ўз яқинининг саломатлигидан хавотирга тушган инсонлар шошилиш ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига нажот кўзи билан қарайди. Баъзида кеч мурожаат қилгани боис бемор ҳаётини сақлаб қолишининг имкони бўлмайди. Зеро, баъзида тиббий хизмат ходимлари ҳам ожиздир. Стресс ҳолатида бўлган ва кўп ҳолатларда спиртли ичимлик таъсиридаги бемор яқинлари ўзини идора қила олмаётди. Оқибатда тиббиёт ходимларига тажовуз қилади. Афсуски, бу ҳолатлар жамиятимизнинг иллатларидан бирига айлиб бораётган.

Жамиятимизда кўпайиб кетаётган бундай ҳолатнинг олдини олишда энг асосий ва самарали йўллардан бири ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш, уларни безорилик сифатида квалификация қилиш зарур, деб ўйлайман. Башарти, шахс айни вақтда жамоат тартибини бузаётгани ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Шу мақсадда Жиноят кодексининг безорилик учун жавобгарликни кўзда тутувчи нормасига жиноятнинг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажарётган шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилганини назарда тутувчи қўшимча банд киритиш керак, деб ўйлайман. Ушбу бандда назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор, деб топилганлар уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин бўлади. Ўз ўрнида бу катта профилактик таъсир кучини кўрсатади.

Шу билан бирга, кўчада "тез тиббий" ёрдам автоуловига йўл бермаслик ҳолатларига нисбатан ҳам жарималар ҳажмини кўпайтириш керак. Хусусан, "тиббиёт ходими", "тиббий ёрдам" каби тушунчаларга таъриф берилиб, тиббиёт ходимлари фаолиятига аралашганлик қонунчиликда

белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланиши зарур. Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тиббиёт ходими фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик, яъни тиббиёт ходими тиббий ёрдам ёки тиббий хизмат кўрсатишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёр билан тўлдирилиши ҳам турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Назаримда, тиббиёт ходимлари ҳам "боди камера" билан таъминланиши лозим. Масалан, ички ишлар органлари ходимларида ана шундай мосламалар мавжуд. Айни пайтда 3 минг нафарга яқин тиббиёт ходими мавжуд деб ҳисобласак, ушбу масалани ҳал қилиш катта ҳисоблаш қилмаса керак. Аксинча, бу орқали фуқароларнинг ҳам, тиббиёт ходимининг ҳам масъулияти ошади, зўравонликларга барҳам берилади, деб ўйлайман.

**Нигора ЭШМЕТОВА, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари:**

— Нафақат тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига, балки ҳар қандай тиббиёт ходимига ёки бирор бемордан ҳол сўраган кишига ташлаб қолишлар, ҳақоратлар кузатилади. Масалан, биз хонадонларда бўлганимизда уларнинг агрессив кайфияти, тажонглиги яққол намойён бўлади. Қўполлик, ҳаттоки ҳақоратлар ҳам эшитамиз. Шу сабабли ҳозирда тиббиёт ходимлари беморлар ёнига ёлғиз бормайдиган бўлди. Аксарият ҳолатларда маҳалла нозирини, етакчиси ва яна бошқа шахслар билан профилактик ишларини олиб боришмоқда.

Тан олиб айтаман, депутатлар тиббиёт ходимларига таъйинлаш масаласини доимий комиссияга ҳам, сессияга ҳам олиб чиқмайдик. Лекин тор доирадаги учрашувларда, депутатлик гуруҳи йиғилишларида ушбу мавзуга тўхталиб ўтилган. Ўйлашимча, аллақачон бу ишни қилиш керак эди. Чунки тиббиёт ходимига нисбатан зўравонликлар авж олиб бормоқда. Зудлик билан қатъий чора кўрилиши ва қонунчилигимизга тегишли ўзгаришлар киритилиши тарафдориман.

**Нуриддин ЭГАМОВ, Қашқадарё вилояти ССБ матбуот котиби:**

— Тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ ўзгаришлар ўрин олган қонун лойиҳаси қайтарилди. Ваҳоланки, тиббиёт ходимлари худди прокуратура, ички ишлар ходимлари каби давлат хизматчиси ҳисобланади. Улар руҳий босим энг юқори бўлган муассасаларда фаолият олиб боради. Чунки улар беморлар билан, уларнинг яқинлари билан мулоқотда бўлади.

Яқини дард чекаётган ёки оламдан ўтган

одамларга осон эмас. Улар ўзини-ўзи идора эта олмай қолади. Натижада кўп ҳолларда шифокорларни айбдор қилишади. Нотўғри хулосаларга боришади. Яқинини йўқотган ёки дард чекаётганини кўрган одам аламини шифокор, ҳамшира ёки бошқа бир тиббиёт ходимидан олишга ҳаракат қилади. Аслида, шифокор ҳам оддий инсон. Умри тугаган одамни сақлаб қолиш имконсиз.

Тиббиёт ходимларига таъйинлар тез ва шошилиш ёрдам тизимида, туғуруқхоналарда, реанимация бўлимларида кўпроқ учраётди. Масалан, ўтган йили Миришкор туманида туғуруқхона бўлимида ишловчи аёлни, Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалида ҳам яна бир аёл кишини калтаклашди. Яқинда эса Ғузор туманида 57 ёшли реанимация бўлими шифокорини дўппослаб кетишди.

Қонунчиликда тиббиёт ходимларига тажовуз масаласида қатъий жавобгарлик белгиланмас экан, бу каби ҳолатлар давом этаверади, деб ўйлайман. Халқ демократик партиядан шу масаладаги позицияни қатъий ҳимоя қилишларини сўраган бўлардик.

**Аббос УБАЙДУЛЛАЕВ, Наманган шаҳридаги 10-оилавий поликлиника шифокори:**

— Иш вақтида менга ҳам тажовуз қилинган эди. Уша воқеадан сўнг 3 ой давомида даволандим, ишлай олмадим. Ризқни Худо беради, дейишади. Амаллаб тирикчилигимиз ўтди. Чунки судда компенсацияни рад этдим. Бировнинг оғриниб берган пули керак эмас. Тўғри, улар айбдор. Ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтиришди. Лекин бу талофатни пул билан ёпиб бўлмайди. Суддан кейин ҳам, унча ҳам ҳеч ким, ҳеч қандай кўмак, моддий ёки маънавий қўллаб-қувватлаш билан ёнимга келмади.

Беморларнинг яқинларида турли ҳолатлар кузатилади. Уларга имкон қадар босиқлик билан муомала қилишга уринамиз. Уларни тушунишга ҳаракат қиламиз. Лекин барибир ўша воқеа ёмон хотира сифатида қолди.

Маълумотларга кўра, айни пайтга қадар 30 га яқин тиббиёт ходимларига куч ишлатиш ҳолати қайд этилган. Бу ҳали маълум бўлганлар. Балким, кимлардир бу ҳақида айтишни истамаган, яширган ёки андиша қилиб жим қолишни маъқул кўрган бўлиши мумкин. Балким, ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига ишонмагани боис овоза қилишни истамагандир. Сабаби, аксарият ҳолларда калтакланган тиббиёт ходимлари турли жароҳатлар билан шифохонага ётқизилади ва масала шу ерда якунига етади. Гўёки, яра битса, оғриқ ўтса, ҳаммаси унутилдигандек. Зўравонларга қандай чора кўрилгани, жавобгарликка тортилганми-йўқми, деган савол кўпчиликни қизиқтирмайди.

Ваҳоланки, бир шифокор етишиб чиқиси учун бир неча йил керак бўлади. 11 йиллик мажбурий таълимни тамомлаган инсон яна салкам шунча ўқиб, бирор йўналишда мутахассис бўлиб етишади. Бу вақт орасида нафақат унинг, балки унга пул сарфлаганлар, ўқитганлар, таълим берганларнинг ҳам меҳнати, соғлиги, умри кетади. Истаимизки, тиббиёт ходимларига қўл кўтарганлар жазоланади, қонунларимиз янада мустаҳкам бўлади.

Ҳа, доимигдек, фикрлар, қарашлар турфа. Ҳар бирида қайсидир маънода ҳақиқат мужассам. Хусусан, Қизилгул Қосимова "боди камера"лар тартибини жорий этиш тақлифини билдирди. Балки, бу орқали ҳам тиббиёт ходимларининг масъулиятини, ҳам беморлар ва улар яқинларининг маданиятини ошириш имкони ортади.

Аммо тақлифлар амалиётга кўчиши учун аввало уни атрофлича ўрганиш, ўлчаш ва албатта, қонунийлаштириш лозим. Кейин эса унинг ҳаётлиги, тўсиқсиз ишлаши учун барчага бирдек тушунтириш, тарғиботини олиб бериш талаб этилади. Айни пайтда парламентда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси ҳали биринчи ўқишда мазмунан маъқулланди. Иккинчи ўқишда ҳали вақт бор. Ўйлашимизки, фикрлар, табиийки, хавотирлар иноватга олиниб, энг тўғри қарор қабул қилинади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.**

## ПАРТИЯ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДЕПУТАТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

### АМАЛИЙ ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 9 ОЙ ИЖРОСИ

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиясиз гуруҳи томонидан 917 та масала ўрганилган.

Ўрганилган масалаларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссияларда 843 таси кўриб чиқилган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига 740 та масала киритилиб, улар бўйича қарорлар қабул қилинган.

Депутатлар томонидан ижро этувчи ва вакиллик ҳоқимият органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотлари 634 мартаба эшитилган.

### ДЕПУТАТЛАРНИНГ ДЕПУТАТ СЎРОВИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ

**5189** та депутат сўровлари юборилган.

**3576** та депутат сўровларига ижобий жавоб олинган.

**1613** та депутат сўровлари назоратга олинган.



## FAOLIYAT

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

# ДЕПУТАТЛАР ОКРУГДАН НАТИЖА БИЛАН ҚАЙТДИМИ?

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИНИ ТУШУНТИРИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЛИШГА ДОИР ТАДБИРЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ, МАҲАЛЛАЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ БОРАСИДА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ЎРГАНИШ, АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ, КЕНГАШЛАРДАГИ КОТИБИАТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИГА ЯҚИНДАН КЎМАКЛАШИШ...

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ 27-30 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИДА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИГА ЧИҚИШЛАРИ ДАВОМИДА ШУ МАСАЛАЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ.

Президентимизнинг "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ҳудудларда жадал ишлар амалга оширилмоқда.

**Депутат Урол Ўразбоевнинг бу борадаги ўрганишлари қуйидагича:**

— Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан узоқ масофада жойлашган маҳаллаларда 2022 йил давомида маҳалла тиббий пунктларини ташкил этишда Жиззах вилояти учун жами 61, шундан Шароф Рашидов тумани учун 11 донa контейнерлар олиб келинган.

Депутат ўз сайлов округидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳоли учун қуриб битказилган тиббиёт маркази контейнерларини ўрганди. Туманда 10 та контейнер ўрнатилган бўлиб, 1 таси ҳали битказилмаган.

Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ижросининг айрим ҳудудларда тўлиқ яқини етмаганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Туман марказий касалхонасида 920 млн. сўмлик, Бобур филиали ва Куёвбоши оилавий поликлиникасида 1 млрд. 503.0 млн. сўмлик жорий таъмирлаш ишлари амалга ошди.

Учрашув давомида турли масалаларга оид 68 та мурожаат қабул қилинди. Шундан 2 та масала республика миқёсида, 3 таси вилоят ҳамда 63 та масала шаҳар миқёсида ҳал этилишига келишиб олинди. 15 та мурожаат жойида ечим топди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова** учрашувни Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 2-касб-хунар мактабида ташкил этилган мулоқотдан бошлади.

Мамаклатимизда олиб бори-

ган. Шунингдек, туман марказий касалхонаси Туркиядан келтирилган ичимлик сувини тозалаш қурилмаси ҳамда 284 млн. сўмлик замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланган. Марказий касалхона гемодиализ нефралогия бўлими, кўп тармоқли поликлиниканинг Навоий филиали, Равот касалхонаси, Қоратепа оилавий поликлиникаси, Куёвбоши оилавий поликлиникаси янги мебель жиҳозлари билан таъминланган.

Шунингдек, муҳтожлиги бор фуқароларга реабилитация техник воситалари ва ногиронлик аравачалари, марказий касалхонага кузатув камералари, 30 донa компьютер жамланмаси, 20 донa генератор, 2 донa тикув машинаси олиб берилган. Ҳозирги кунда туманимизнинг марказий касалхонаси учун чойшабар, матраслар ҳамда тиббиёт кийимлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда ва бунинг натижасида қўшимча иш ўрни ҳамда маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларни тежаш имконияти пайдо бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати аҳоли вакиллари, маҳалла фаоллари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда ҳам иштирок этди. Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, республика ҳамда Жиззах шаҳри ҳудудида янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, Қонунчилик палатасида қўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари ҳамда қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди. Аҳолини ўйлантираётган масалаларни маҳаллий ижро ҳокимият органлари билан биргаликда ҳал этиш чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида тушунтириш, таништириш ишлари олиб берилди.

Учрашув давомида турли масалаларга оид 68 та мурожаат қабул қилинди. Шундан 2 та масала республика миқёсида, 3 таси вилоят ҳамда 63 та масала шаҳар миқёсида ҳал этилишига келишиб олинди. 15 та мурожаат жойида ечим топди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова** учрашувни Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 2-касб-хунар мактабида ташкил этилган мулоқотдан бошлади.

Мамаклатимизда олиб бори-

лаётган ижтимоий ислохотлар, Конституциявий қонун лойиҳаси ва Давлат дастурининг 9 оий давомида амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тушунтирилди.

Шунингдек, Халқ қабулхонаси туман бўлими билан ҳамкорликда сайёр қабул ташкил этилди. "Қарашик" маҳалласида яшовчи Қурбонали Холиқов турмуш ўртоғи полиартрит касаллиги билан оғриши, уни даволатиш учун маблағ зарурлигини айтиб мурожаат қилди. Унинг мурожати вилоят тиббиёт бирлашмаси бошлиғига тақдим этилди, бемор бепул даволаниши назоратга олинди.

Тумандаги "Янги куч" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 2-гурӯх ногирони Азизова Наргиза тикув машинаси беришни сўраб мурожаат қилган, унга тегишли тартиб бўйича берилиши айтилган. Шу маҳаллада яшовчи фуқаро Шахло Валиева субсидия тариқасида тикув машинаси сўраб мурожаат қилди. Масала туман хотин-қизлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосарига юқлатилди.

"Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Хуршида Бегматова алимент пули масаласида ёрдам сўради. Унга туман мажбурий ижро бўлимига учрашиш кераклиги тушунтирилди. "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Тожибоева Насиба "Аёллар дафтари"да туради, 2 нафар фарзанди бор. Унга туман ҳокимлиги томонидан 4-сотих ер ажратилган ва уйнинг фундаменти қўйиб берилган. Кейинги босқич учун маблағи йўқ, шу боис уй-жойни қуриб беришни сўраб мурожаат қилган. Унга ёрдам бериш чоралари кўриладиган бўлди.

Депутат томонидан жойларга чиқиб ўрганилганда "Обизаранг" маҳалласи Ал Бухорий кўчасига газ трубаларини ўтказишда амалий ёрда сўралди. Бу масала туман газ таъминот бўлими томонидан бажарилиши белгилаб олинди.

Ўрганишлар натижасига кўра, туманда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурига асосан жорий йилда 485,9 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиши ва ўсиш даражасини 133,7 фоизга етказиш белгилаб олинган. Туманда қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ва норасмий фаолият юритаётган субъектларни легаллаштириш, ўзини-ўзи банд қилганларни кўпайтириш асосида 2331 та янги иш ўрни яратилиб, йил якунига қадар жами 270 та истиқболли лойиҳа эвазига 2972 та иш ўрнини яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Фаргона туманида Қонунчилик палатаси депутати **Дилбар Мамаджанова** туман ҳокими, Халқ қабулхонаси мудри, 1-сектор раҳбари билан бирга жисмоний ва юридик шахслар учун ташкил этилган қабулда қатнашди.

Қабул жараёнида 51 нафар фуқародан 74 та масалада мурожаат тушди. Уларнинг 11 таси ижобий ҳал этилди, 8 тасига ҳуқуқий маслаҳат берилди. Пиёдалар йўлакчаси ташкил этиш, электр узлиши, уй-жой билан таъминлаш, субсидия асосида асбоб-ускуна ажратиш, контракт тўловига ёрдам, моддий ёрдам, оилавий ва бошқа масалаларга оид мурожаатлар белгилаб олинди, ижросини таъминлаш бўйича чоралар белгиланди.

Мутасадди раҳбарларга ҳар бир мурожаатни ўз вақтида, қонун доирасида кўриб чиқиш юзасидан тегишли тавсиялар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Хусусан, "Ямбароқ" маҳалласида яшовчи 1-гурӯх ногирони Ж.Турсуновга даволаниш учун 5 миллион сўм моддий ёрдам ажратилди. "Дамкўл" маҳалласида яшовчи Г.Убайдуллаевага озиқ-овқат махсулотлари ажратилди. "Сой бўйи" маҳалласида яшовчи Д.Тошқоновага тикув машинаси олиб бериладиган бўлди.

Фаргона туманидаги "Шоҳимардон" маҳалласи ҳудудидаги 6-умумтаълим мактаб ўқувчилари билан юртимизда таълим тизимига олиб борилаётган ислохотлар, ёшларга яратилаётган имконият ва шароитлар, қонунчиликдаги янгилликлар ҳақида маълумотлар бериб, ўқувчи ёшлар билан суҳбат ўтказилди.

Шундан сўнг ички ишлар секторига қаршли "Юқори арча" маҳалласида сектор раҳбари билан суҳбат бўлиб, олиб бори-

ликда сайёр қабул ўтказилди. Унда фуқароларнинг тоза ичимлик суви таъминоти, аҳоли томорқаларини сўғориш учун дренаж тушириш, қўшимча электр таянч устунлари ўрнатиш, табиий газ билан таъминлаш, ички йўллар таъмири, бандлик, тиббий ёрдам кўрсатиш, моддий ёрдам ва уй-жойга эгаллик ҳуқуқини тиклаш каби масалалар билан боғлиқ муаммолар тингланиб, ечим изланди.

Айрим масалалар ўз ечимини жойида топган бўлса, айрим мурожаатлар юзасидан қонуний тушунтиришлар берилди. Муддат талаб этадиган мурожаатларни ҳал этиш депутат томонидан назоратга олинди.

**Депутат Улуғбек Вафоев** Жомбой туманида ўтказилган учрашувларда мамлакатимизда кенг қўламчи тарихий ислохотлар олиб борилаётгани, мазкур ислохотларнинг асосий мақсади Янги Ўзбекистонни, яъни халқпарвар давлатни барпо этиш ҳамда инсоннинг кадр-қимматини таъминлаш экани ҳақида сўз юритди.

Фуқаролар билан мулоқот вақтида кейинги йилларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва давлат органларининг очиқлиги бўйича янги тизим жорий этилганлиги, камбағалликнинг расмий даражада тан олиниши ва уни қисқартириш бўйича амалий ишлар бошланганлиги алоҳида эътироф этилди.

Учрашувларда фуқаролар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Айниқса, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бўйича қилинаётган ишларни аҳоли юқори баҳоламоқда.

Мулоқотларда бугун дунёдаги мураккаб ва нотинч вазиятда юртимиздаги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шукронали туйғуси билан яшаш кераклиги, инсон қадрини улуглашга қаратилган ислохотларни давом эттириш ҳамда ушбу жараёнда бирдамлик ва собитқадмлик муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, депутат "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларнинг хонадонларида бўлиб, улар билан очиқ мулоқот олиб борди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фуқаролар билан бевосита юзма-юз учрашиш, уларни ўйлантириб келаётган муаммоларни ўрганиш ва жойида амалий ёрдам кўрсатиш давлат ҳокимиятининг барча тармоқларининг фаолият тарзига айланиб бўлди.

**Депутат Зухра Шадиева** Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги "Ўжакент" маҳалласида давлат-хусусий шериклик асосида очилган "Child academy" – янги мактабга таълим муассасаси очилиш маросимига иштирок этди. Мактабга таълим ташкилоти 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, болажонлар учун барча қулайликларга эга. Ушбу мактабга таълим ташкилотига ўзбек, инглиз ва рус тилларида таълим олиб борилади ҳамда ментал арифметика машғулоти ҳам бор.

Депутат йиғилишида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислохотларнинг бажарилиши, Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва Давлат дастурининг 9 ойлик ижросининг аҳамияти тўғрисида гапириб берди.

Қуйи Чирчиқ тумани "Чақмоқ" маҳалласида яшовчи Зубайда Эгамова хонадонида бўлиб, унинг бемор қизи ҳолидан хабар олди. 2000 йилда туғилган Одина Холиқованинг саломатлиги ёмон аҳволда экани, унга даволаниш учун моддий ёрдам кераклиги аниқланди. Депутат бу масала бўйича Тошкент вилояти тиббиёт бошқармасига мурожаат қилди ва даволаниш учун бепул ордер ажратиладиган бўлди.


Бундан ташқари, депутат туман тиббиёт бирлашмасида ҳам бўлиб, у ерда туманларо перинатал маркази ташкил этилишига тайёргарлик ҳолати ва олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматининг маълумотига кўра, ушбу мақсадга Тошкент туманида инвестиция дастури асосида 18 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, мазкур марказ ноябрь ойида фойдаланишга топширилади.

Марказ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослашган перинатал хизматни аҳолига яқинлаштириш ва энг муҳими, гўдаклар ўлимини кескин камайтиришга хизмат қилади...

Сайловчилар билан учрашувлар нафақат аҳоли, балки Қонунчилик палатасининг депутатлари учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Муаммоларга ечим топибгина қолмай, депутатлар ўзларининг келгусидаги иш режасини белгилаб олади, ҳуқумат олдига муаммоларни масалаларни қўйиш имкониятига эга бўлади.

**Гулрӯх ОДАШБОВА,**  
"Ўзбекистон овози"  
муҳбири.





## «САМАРҚАНД ШХТ САММИТИ: УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА БИРДАМЛИК»

ЖОРИЙ ЙИЛ 15-16 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 77-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ.

«Самарқанд ШХТ саммити: умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида бирдамлик» номли ҳужжат БМТ журналида барча олти расмий тилда чоп этилди, ташкилотга аъзо давлатлар, унинг таркибий бўлинмалари ўртасида кенг тарқатилди, шунингдек, Расмий ҳужжатлар тизимига жойлаштирилди.

Ҳужжатда ШХТнинг Самарқанд саммити ўзаро боғлиқлик кучайиб бораётган шароитда минтақавий ва глобал кун тартибининг долзарб масалаларини конструктив муҳокама

қилиш учун ўз вақтида ва самарали халқаро платформа бўлиб хизмат қилгани, шунингдек, барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг янги йўллари аниқлаш имконини бергани қайд этилган.

Ўзбекистон ШХТга раислик дастурини тўлиқ амалга оширишга муваффақ бўлди, унинг доирасида 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Президенти саммитдаги нутқида ШХТ ўз тараққиётининг янги, янада муҳим босқичига қадам қўяётгани ва ташкилот ҳамкорлигининг кўплаб устувор вазифаларини ҳал қилиши зарурлигини таъкидлагани қайд этилган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари бўйича қатор аниқ тақлиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди. Аввало, ШХТнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очиқлигини сақлаб қолиш, кенг халқаро ҳамкорликка эътибор қаратиш, хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига риоя қилиш муҳимлиги урғуланган.

«Шанхай руҳи» тамойиллари асосидаги бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни

мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди, бу орқали ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мумкин, - дейилади ҳужжатда. - Инқирозни биргаликда енгилтириш ва ШХТ маконида барқарор ривожланишга эришиш учун иқтисодиёт, савдо ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди».

Саммит кун тартибига кўра, давлат раҳбарлари ШХТ доирасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилгани маълум этилган. Минтақадаги сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг ривожланиши шароитида долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг келишилган позициялари саммитнинг якуний ҳужжати - Самарқанд декларациясида қайд этилди. Унда ШХТ давлатларининг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал қилишдаги умумий ёндашувлари акс эттирилган, ташкилотни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинган.

Музокаралар якунлари бўйича рекорд миқдордаги ҳужжатлар - 40 дан ортиқ шартнома, концепция, дастур ва бошқа қарорлар қабул қилингани таъкидланган. Ушбу ҳужжатлар ШХТ фаолиятининг истиқболли йўналишлари бўйича ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги амалий мазмун билан тўлдиришга хизмат қилади. Саноат кооперациясини ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, инфратузилмани такомиллаштириш, рақамли саводхонлик ва сунъий интеллектни юксалтириш, минтақаларо савдони янги босқичга олиб чиқиш каби муҳим йўналишлардаги ҳамкорлик бўйича қатор дастур ва режалар қабул қилинди.

Улар орасида, хусусан, ШХТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қоидаларини 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси, Транспорт йўлақларини яратиш бўйича концепция, «Ақли» қишлоқ ҳўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлик концепцияси ва бошқа ҳужжатлар бор.

«Саммит ташкилотнинг замонавий глобал таҳдидларга жавоб бериш борасидаги масъулияти ортиб бораётганини намойиш этди», дейилади ҳужжатда.

Давлат раҳбарлари кенгашининг ишончли, барқарор ва диверсифи-

кациялашган етказиб бериш занжирларини таъминлаш тўғрисидаги баёнотида ШХТнинг узлуксиз транспорт алоқаларини ривожлантириш ва аъзо давлатлар ўртасидаги савдо тўсиқларини камайитиришга интилиши алоҳида ифодалангани таъкидланган.

Ҳужжатда, шунингдек, Ўзбекистон раислигида ШХТга аъзоликни кенгайтириш борасида салмоқли натижаларга эришилгани урғуланган. Эрон Мажбуриятлар тўғрисидаги меморандумни имзолади, бу эса мамлакатнинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиши учун тўғридан-тўғри йўл очди. Тегишли меморандумларни имзолаш билан Миср ва Қатарнинг ШХТнинг мулоқот бўйича шериги мақомини ҳуқуқий расмийлаштириш яқунланди. Беларусни ШХТ аъзолигига қабул қилиш жараёнини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Давлат раҳбарлари, шунингдек, Баҳрайн, Мальдив ороллари, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт ва Мьянманин ШХТнинг мулоқот бўйича ҳамкори мақомига эга бўлиш ҳақидаги аризаларини қўллаб-қувватлади. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳамкор ташкилотлар тармоғи кенгайтириш - тадбир доирасида ШХТ ва Араб давлатлари лигаси котибиятлари ўртасида меморандум, ШХТ котибияти ҳамда ЮНЕСКО ва ЭСКАТО ўртасида ўзаро аниқлаш тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Ушбу натижалар ташкилотга хос динамизм, унинг очиқлиги ва кенг халқаро ҳамкорликка интилишини яна бир бор тасдиқлади. ШХТнинг Самарқанд саммити ташкилотнинг умумий салоҳиятини юксалтириш, кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқаро нуфузини юксалтиришга сезиларли ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Президенти томонидан Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббуси тақдим этилгани саммитнинг асосий воқеаси бўлгани таъкидланган. Ушбу ташаббус тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, кенг қўламли халқаро ҳамкорлик ва инсониятнинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари келгуси йили Самарқанд ташаббуси бўйича халқаро форум ўтказишни тақлиф қилди. Ўз вақтида илгари сурилган ушбу ташаббуснинг ҳаётга амалий татбиқ этилиши ШХТнинг кенг Евроосиё маконида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган саяё-ҳаракатларига хизмат қилади.

«Дунё» АА.

### ҚОНУНГА ШАРҲ

## ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ХИЗМАТ

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги инсон кадрини юксалтириш, халқпарвар давлат барпо этишга оид устувор мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишни талаб этмоқда.

Юртимизда бу борада олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг навбатдаги амалий натижаси ўлароқ, 2022 йилнинг 8 августда Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонунни имзоланди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», деган тамойилни тўла рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлади.



Мирзоҳид КАМИЛОВ, Монополияга қарши курашиш қўмитаси харидларни назорат қилиш департаменти директори:

— Ўзи аслида бу қонунга қандай эҳтиёж бор эди? Хорижий мамлакатлар таърибаси, давлат хизмати тўғрисидаги қонунларида хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш, давлат хизматида ўсиш,

бошқа давлат лавозимига ўтиш, меҳнатига ҳақ тўлаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақти ва меҳнат таътиллари кенг тартибга солинганини кўришимиз мумкин.

Қонун айнан ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф этишда, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат сиёсати ягоналигини таъминлашда айна муддао бўлди, десак муболага бўлмайди. 10 та боб ва 64 та моддадан иборат қонун давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлар, соҳада коррупцияга қарши курашиш, давлат фуқаролик хизматидаги кириш тартиби ва шартлари, хизматчиларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш каби нормаларни ўз ичига олган.

Қонуннинг 19-моддасида манфаатлар тўқнашуви нормаси акс эттирилган. Унга кўра, манфаатлар тўқнашуви юзга келган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг раҳбарига ёки юқори турувчи давлат органига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши кераклиги, ўз навбатида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотларни олган давлат органининг раҳбари ушбу тўқнашуви бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шартлиги белгилаб қўйилди.

Қонунда давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари билан биргаликда унинг жавобгарлиги ҳам алоҳида нормада акс эттирилган. 14-моддага асосан давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисидаги жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни давлат органи томонидан қопланиши ва ушбу зарар кейинчалик айбдор бўлган давлат фуқаролик хизматчисидан ундириб олиниши кўрсатилган.

Қонунда давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бир қатор чекловларнинг ҳам киритилганини кўриш мумкин. Жумладан, яқин қариндошлиқда бевосита бўйсунув остидаги лавозимни эгаллашга, тадбиркорлик фаолияти билан шўғулланишга, ўз хизмат ваколатларини бажариш ёки бажармаслик эвазига фуқаролардан бирон-бир мукофот ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, Ўзбекистондан ташқарида хисоб варақлар очишга, шунингдек, коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор, деб топилган шахсларни давлат фуқаролик хизматида қабул қилишда чекловлар ўрнатилган.

Чунки қонун давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, лавозимлар тоифалари ва малака даражаларини, давлат фуқаролик хизматидаги кириш, ўташ ва тугатиш жараёнларининг ягона тартиботини, кадрларнинг касбий-маънавий фазилатлари ва алоҳида хизматларнинг объектив ҳамда адолатли баҳолаш асосида хизмат погоналари бўйича ўсиш кафолатларини, умуман, ягона давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг тартибга солишни назарда тутди.

Сир эмас, бугун давлатни барқарорлаштириш билан бирга, жамиятни фаоллаштириш, давлат хизматчисининг жамиятга ижобий муносабатини шакллантириш, халққа хизмат қилиш, одамлар розилигини олиш, ҳалоллик, адолатни мустаҳкам ўрнатиш борасидаги замонавий ёндашувга бўлган ижтимоий эҳтиёж кучайди. «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши Президентимиз илгари сураётган халқпарвар сиёсатнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Юртимизда кейинги йилларда халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг амалий натижасини бермоқда. Давлат органлари «Инсон - жамият - давлат» тамойили асосида янгилик ва халқчил тизимда ишлашни бошлади. Давлат бошқаруви ва давлат хизматчилари оддий одамларга яқинлашди. Халқни эшитиш, муаммоларни тезкор ҳал қилиш тизими йўлга қўйилди. Мазкур тизимни мустаҳкамлаш учун эса муҳим ҳуқуқий асос қабул қилиниши керак эди. Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун бу борадаги муҳим дастуруламал ҳужжат бўлгани шубҳасиз.

Қонуннинг «Давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқаруви», «Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми», «Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш» каби бобларида давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, одоб-ахлоқ қоидалари каби тушунчалар акс этган. Ҳужжат Ўзбекистонда ижро ҳокимияти функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларидаги 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ягона қоидалар асосида тартибга солиди.

Қонунга кўра, давлат фуқаролик хизматини ўташда мазкур қонун билан тартибга солинмаган муносабатларга Меҳнат кодекси қўлланилади.

Қонун билан давлат фуқаролик хизмати соҳасида ваколатли орган этиб - Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги белгиланди. Қисқаси, давлат хизматида узоқ йиллардан буён ўз ечимини топмаган тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ушбу қонуннинг ижроси орқали мамлакатимизда илғор халқаро стандартларга жавоб беришчи давлат фуқаролик хизмати юзга келади. Энг асосийси, давлат фуқаролик хизматини виждонли, қонунларга садоқатли, малакали кадрлар билан бойитиш, фуқароларга, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш имконияти кенгайди.

## BUGUNNING GAPI

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

## МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИ

## ПУЛ БИЛАН БОҒЛИҚ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРДИ

МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ 27 ОКТЯБРДАГИ ЙИҒИЛИШИДА АСОСИЙ СТАВКАНИ ЙИЛЛИК 15 ФОИЗ ДАРАЖАСИДА ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ШУНИНГДЕК, БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА «ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ 2023 ЙИЛ ВА 2024-2025 ЙИЛЛАР ДАВРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ»НИНГ ДАСТЛАБКИ КОНЦЕПТУАЛ ЛОЙИХАСИ МАЪҚУЛЛАНГАН. УНГА КЎРА, АСОСИЙ СЦЕНАРИЙ ДОИРАСИДА 2023 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ДАРАЖАСИ РЕАЛ ҲИСОБДА 4,5-5 ФОИЗ АТРОФИДА, 2024 ЙИЛДА 5-6 ФОИЗ ВА 2025 ЙИЛДА 6-6,5 ФОИЗ АТРОФИДА БЎЛИШИ ПРОГНОЗ ҚИЛИНГАН.



Инфляция даражаси эса жорий йил охирида 8,5-9,5 фоизгача пасайиши ва 2024 йилнинг иккинчи ярмида 5 фоизлик таргетга яқинлашиши кутилмоқда. Хатарларнинг таъсир кўлами иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг шаклланишида муҳим ўрин тутганини ҳам унутмаслик керак.

Инфляция даражаси 2023 йилда 7-8 фоизгача пасайиши, бироқ 5 фоизлик таргетга эришиш масаласи 2025 йилга кечикиши мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистонда йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб иқтисодий фаолликнинг жадаллашиб бориши кузатилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи якуни бўйича ялли ички маҳсулотнинг реал ўсиши 5,8 фоизни ташкил этиб, йил якуни бўйича реал ўсиш тахлилий ҳисоб-китоблар бўйича 5,2-5,8 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда (аввалги прогноз 5-5,5 фоиз).

Маълумотларга кўра, инфляцион жараёнларни жиловлаш мақсадида дунёнинг аксарият марказий банклари томонидан пул-кредит шароитларини қатъийлаштириш ва мос равишда молиявий ресурслар нархи қимматлашиб бориши кузатилмоқда. Хусусан, АҚШ Федерал захира банки томонидан пул-кредит шароитларининг қатъийлаштирилиши ҳисобига дунёнинг аксарият валюталари АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиб бормоқда. Доллар индекси йил бошига нисбатан 17 фоизга ошиб, 112 бандни ташкил этмоқда. Бу эса истеъмолда импорт улуши юқори бўлган ва инфляцион кутилмалари валюта курсига таъсирчан давлатларда инфляцион жараёнларнинг янада тезлашишига олиб келаяпти.

Бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар валюта курсларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вақтда хотиржамликни сақлаган ҳолда ҳаракат қилиш, аҳоли орасида, жамоатчилик орасида миш-мишлар кўпайишининг олдини олиш муҳимдир. Шунини ўйлаб, муҳбиримиз мамлакатимиздаги пул-кредит сиёсати ва иқтисодиётимиздаги ўзгаришлар ҳақида **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Мамаризо Нурмуратовга** айрим саволлар билан муурожаат қилди.

**– Кўплаг давлатларнинг валютаси АҚШ долларига нисбатан қадрсизланаётгани сезилаяпти. Бунинг асосий сабаби нимада?**

– Аксарият валюталар долларга нисбатан қадрсизланишида давом этмоқда. Экспорт тушумлари, пул ўтказмалари ва бошқа кўринишдаги валюта оқимининг ошганлиги доллар индексининг ўзбек сўми алмашинув курсига таъсирини юмшатди.

Доллар индексининг сезиларли даражада ошиши бошқа доллар билан боғлиқ валюталарнинг тескари пропорцияда қадрсизланиши билан характерланади. Бу борада жуда кўп ривожланаётган давлатлар валюталари АҚШ долларига нисбатан қадрини сақлаб қолиш учун катта миқдорда валюта интервенцияларини қилишига мажбур бўлмоқда. Доллар индекси 14-15 фоизга ошишига сабаб бошқа ривожланган давлатларга қараганда АҚШнинг федерал резерв тизими (бошқача айтганда Марказий банки) қатъийроқ пул кредит сиёсатини юритишни бирмунча олдинроқ бошлаган.

Шунинг ҳисобига доллар индекси кескин ошиб, аксарият валюталар долларга нисбатан қадрсизланиб бормоқда. Бу эса импорт улуши юқори бўлган, инфляцион кутилмалар доллар курсига боғлиқлиги юқори бўлган давлатларда инфляцион жараёнларни тезлаштирмоқда.

Бироқ Ўзбекистон шароитида мамлакатга экспорт тушумлари, пул ўтказмалари ва бошқа кўринишдаги валюта оқимининг ошганлиги доллар индексининг ўзбек сўми алмашинув курсига таъсирини нисбатан юмшатди. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда шаклланган долларга нисбатан алмашинув курси нисбатан барқарор.

**– Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимиз томонидан жўнатилган валютани тижорат банкларидан олаётганда бир кунда 1000 долларгача ечиб олиш мумкин, деган чеклов ўрнатилгани, 1000 доллардан ортиқ бўлган валютани олишда банклар томонидан унинг келиб чиқиш манбасини сўрай бошлангани айтилмоқда. Бундай чекловларнинг ўрнатилишига сабаб нима?**

– Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида республикамизга 12,6 миллиард долларлик пул ўтказмалари кириб келган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 баробарга

ортиқ бўлган. Ушбу даврда тижорат банкларининг аҳолидан валюта хариди ва аҳолига валюта сотуви ўртасидаги ижобий тафовут 2,5 миллиард долларга тенг бўлди. Бунда аҳолининг валюта сотуви 9 миллиард долларни ва аҳолининг валюта хариди 6,5 миллиард долларни ташкил қилган.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкин, бошқа давлатдан пул ўтказмасини амалга оширишда Ўзбекистонда нақдсиз валюта (рубль) олинади. Пандемиягача ва пандемия даврида ҳам банклар нақд валютани асосан Россия банкларидан олиб келишган. 2021 йилда улар 2 миллиард АҚШ долларлик валюта импорт қилган бўлса, Марказий банк 100 миллион АҚШ долларини импорт қилган. Бу аҳолининг валюта операциялари учун етарли эди. Бироқ 2022 йилнинг февраль ойида жорий этилган Ғарбнинг Россияга қарши санкциялари туфайли Россия банклари АҚШ доллари ва евро олишни тўхтатганлиги сабабли импорт қилиш имконияти чекланган. Бунда Ўзбекистон банклари бошқа Европа банкларидан валюта олиб келди.

Шу ўринда яна бир маълумот. Биз Марказий банк функцияларига кирмайдиган ишни қилдик. АҚШ Федерал захира банкидан валюта олиб келиб, мамлакатдаги тижорат банкларига тарқатдик. Март ойидан эса Марказий банк нақд хорижий валютани олиб кириш ва тижорат банкларига тақдим этишни бошлади. Илгари чет эл валютаси асосан Россия банкларидан олиб келинган, бироқ ҳозирда бу имконият чекланган ва Европа банклари «нақд пул»ни «бироз хавотир ва эҳтиёткорлик билан» бермоқда.

Рақамларга қарайдиган бўлсак 12,2 миллиард АҚШ доллари пул ўтказмаси келган бўлса, биз 6,5 миллиард валюта сотдик аҳолига. Энди тасаввур қилинг, қанча нақд валюта керак. 2021 йилда олиб келинган қанча эди ва мана бу икки йўналиш бўйича эҳтиёж қанча?.. Уша шароитда биз қарийб 7 миллиард доллар нақд олиб келиб тижорат банкларига тарқатдик. Авваллари Ўзбекистон Россиядан валютани эркин ва ҳеч қандай шартларсиз олиш имконига эга бўлган, бироқ АҚШ Федерал резерв тизимида жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича молиявий чора-тадбирлар гуруҳи (FATF) томонидан кўйилган асосий талаблар мавжуд.

Яъни мақсад – жиноий фаолиятдан олинган даромад ёки терроризмни молиялаштиришга хизмат қилувчи ҳолатларни инкор этиш. Пул ўтказмалари нотовар характердаги валюта операциялари, банк хизматларига кириб бу одатда 1000 АҚШ долларигача бўлади. Журналистлар билан учрашувларда батафсил бу пул ўтказмалари ҳажми нимага кескин ошиб кетганлигини 4 та омил билан изоҳлагандим. Бугунги кунга қарайдиган бўлсак, 2,2 баробарга фақат пул ўтказмаларининг ошганини ва бу пул ҳақиқий меҳнат муҳожирларининг пули эканини биз Америкадан пул олиб келишда ишонтиришимиз керак.

Маълумотларга кўра, 2021 йилгача ўртача 1000 АҚШ доллари бўлган пул ўтказмалари, яъни пул ўтказмаларининг 62-64 фоизини ташкил қилган. Бугунги кунда 10 минг АҚШ доллари ва ундан юқорилари 60 фоизни ташкил қилмоқда. Бир ойнинг ўзида айрим фуқаролар 20-30 марталаб 10 минг АҚШ долларида валюта олмақда, бу эса товар характерига эга бўлмаган операциялар ҳисобланади. Илгари Россияга экспорт қилиб, ўз маҳсулотлари учун зарур бўлган пул маблағларини банклар орқали ўтказган кичик экспортёрлар бугун нақд рублга экспорт қилиб, бизга рубль юбориб, бу ердан валюта кўринишида олишмоқда.

Аммо FATF қоидалари бор. Бу ерда хўжалик юритувчи субъектнинг экспорт даромади валютага айлантирилади ва бу жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга хизмат қилиши мумкин бўлган хавфлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳозир биз қўйган талаб шундан иборатки, экспортёрнинг пул ўтказмаси экспорт билан боғлиқ бўладиган бўлса, унинг пулини валюта ҳисоб рақамига ўтказиш таклифини беряпмиз. Агар тушум ҳақиқатан ҳам экспортга тегишли бўлса, экспорт қилувчилар ўзларининг валюта ҳисоб рақамларига ўтказмаларни олишлари шарт. Иккинчидан, 5000 АҚШ долларидан ортиқ пул ўтказмалари учун банклар маблағларини келиб чиқиш манбаларини талаб қилишга мажбур.

Аҳолимизга янада соддароқ қилиб айтганим бўлсам, Ўзбекистонда доллар чоп этилмаслиги, жорий этилган талаблар маҳаллий банкларнинг ташаббуси эмас, балки Нью-Йорк ФРБ тузилмалари томонидан ўрнатилган мувофиқлик назоратига риоя қилишдир. Нью-Йорк ФРБнинг комплаенс-назорат тузилмаси Ўзбекистонга икки марта келди ва маҳаллий банклар томонидан ушбу талабларга риоя этилишини текширди. Агар уларда шубҳа бўлса, эртага қандайдир банкларга нисбатан нақд валютани чиқаришга чекловлар жорий этилиши мумкин. Кутилмаган ва мураккаб ҳолатларга қарамадан, бугунги кунда республикамизда нақд валюта билан боғлиқ вазият барқарор.

**– Эндиликда тижорат банклари томонидан норасмий даромадга эга аҳолига ҳам ипотека кредити берилиши мумкинми?**

– Ўзбекистонда норасмий даромадга эга аҳолига ҳам ипотека кредити бериш тартиби жорий этилади. Бу борада тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур тизимни яратиш ишлари бажарилмоқда. Бугунги кунда аҳолининг қарз юки хатарли эмас. Фақатгина битта ўйлангирадиган ҳолат бор. Бу ҳам бўлса, норматив тартибларда ипотека кредити бераётганда аҳоли даромадининг кредитни қоплашга етарли қисми 50 фоиздан ошмаслиги кераклиги белгиланган. Бугунги кунда субсидия олаётган фуқароларга ўша нормадан чиқишга тўғри келаяпти.

**– Республикаимиз аҳолисининг реал даромадлари ошганми?**

– Давлат секторига ойлик иш ҳақи ва пенсиялар, шунингдек, ижтимоий трансфертларнинг оширилиши аҳоли реал даромадларининг 10,7 фоизга ўсишига замин яратди. Шунингдек, аҳоли даромадлари ўсишига мутаносиб равишда истеъмол талаби ҳам ортиб бормоқда, бу истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва чакана савдо айланмасида ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, 2022 йилнинг 9 ойида иқтисодиётда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 27 фоизга, чакана савдо айланмаси эса 10,8 фоизга ўсган.

Давлат харажатларининг юқори суръатлари, трансегарвий пул ўтказмалари ва иқтисодиётга кредит киритилиши йил охиригача ялли истеъмол ва иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватловчи омиллар бўлиб қолади.

Бундан ташқари, статистик маълумотларга кўра, мамлакат аҳолисининг 2022 йил январь-сентябрь ойларига кўра, аҳолининг умумий даромадлари 454,9 триллион сўми ташкил қилган. Аҳоли даромадлари бўйича реал ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх омиллари таъсирини чиқариб ташлаш мақсадида инфляция кўрсаткичларининг асосий турларидан бири – истеъмол нархлари индексида (ИНИ) фойдаланилади.

Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати 110,7 фоизни ташкил этган. Ўзбекистонда йил бошидан бери ҳар бир кишига умумий даромад 12,8 миллион сўмга етди. Аҳоли жон бошига даромадларнинг номинал ўсиш суръати 120,5 фоиз, реал ўсиш суръати эса 108,4 фоиз бўлган.

Аҳоли жон бошига даромадларининг реал ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўзгариши сиз қолган – 108,4 фоиз. Эътиборли жиҳати, умумий даромаднинг 61,2 фоизини меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар ташкил қилапти.

**– Жорий йилнинг октябрь ойида 2 та тижорат банкларининг лицензияси қақриб олинган, яъни тугатилган. Ушбу икки банк омонатчиларининг маблағлари қайтарилиши қандай бўлаяпти?**

– «Туркистон» ва «HI-TECH BANK» хусусий акциядорлик тижорат банки омонатчиларининг маблағларини қайтариш АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» орқали амалга оширилади. Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкин, ушбу икки хусусий акциядорлик тижорат банклари омонатчиларининг маблағлари қонун бўйича белгиланган 2 ой муддатда 100 фоиз қайтарилади. Бу кафолатланган, ҳеч қандай хавотирга асос йўқ бўлган масала. Аҳоли талаблари бўйича тўловлар ва бошқа мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун барча имкониятлар бор.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ сўхбатлашди.**

## БИЛАСИЗМИ?



Кўп квартирали уйлarning умумий мулк ҳудудида қўшимча объект қуриш тақиқланади

Қурилиш-монтаж ишлари (реконструкцияси) тугалланган кўп квартирали уйлardan фойдаланиш учун рухсатнома берилганидан сўнг лойиҳа ҳужжатлари, кадастр паспорти ва мазкур рухсатномага умумий мол-мулкни ёки туташ ер участкасини қамайтириш ва туташ ер участкасида қўшимча кўп квартирали уй ёки умумий мол-мулк бўлмаган объект қуриш учун ўзгариш киритиш тақиқланади.



“Ягона давлат назорати” тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорларни текшириш ноқонуний ҳисобланади

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган барча текширувлар «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатга олинади.

Бунда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланади.



Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлашга кўмаклашилади

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг меҳнатга лаёқатли ва ишсиз бўлган оила аъзоларини ўзини ўзи банд қилиш ҳамда бўш (вакант) иш ўринларига ишга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатади.



Маиший истеъмолчилар газ тармоғига амалда улангандан бошлаб шартнома тузилган ҳисобланади

Қонунчиликка кўра, маиший истеъмолчилар билан табиий газ етказиб бериш шартномаси тузилмаган тақдирда, шартнома газ тармоғига белгиланган тартибда амалда уланган вақтдан тузилган ҳисобланади.

Бунда газ таъминоти ташкилоти мазкур истеъмолчи билан табиий газни етказиб бериш шартномаси тузиш ҳамда табиий газдан фойдаланиш қоидаларини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўриши шарт.

Аммо истеъмолчиларнинг бошқа тоифаларига табиий газ фақат шартнома асосида етказиб берилди.



Томорқа ер эгаларини касаначилик билан банд қилган тадбиркорларга субсидия берилди

Томорқа ер участкалари эгаларини кооперация ва касаначилик асосида иш билан банд қилган тадбиркорларга Бандликка кўмаклашиш давлат жағфармаси ҳисобидан БҲМнинг 20 бараваригача (6 млн. сўмгача) миқдорда ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан субсидия ажратилади.



Чет элликларнинг автотранспортлари божхона органларида ҳисобга қўйилади

Ўзбекистонга олти ойгача муддатга келган чет эл фуқароларининг шахсий ва хизмат автотранспорт воситалари божхона органларида ҳисобга қўйилиши керак.

Аммо, чет эллик эгалари томонидан Ўзбекистонга олти ойдан ортиқ муддатга олиб кирилаётган транспорт воситалари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиниб, миллий рақам белгилари алмаштирилади.

t.me/huquqiyaxbotot

# АЁЛЛАР НАВБАТДА, ЭРКАКЛАР ҚАЕРДА?

ҚУРИЛИШ,  
МАИШИЙ ХИЗМАТ,  
ТЕХНИК-МУХАНДИСЛИК,  
АЁЛЛАР  
САРТАРОШЛИГИ,  
МАССАЖ,  
КОСМЕТОЛОГИЯ,  
ТИКУВЧИЛИК КАБИ  
СОҲАЛАР БЎЙИЧА 22  
ТА КАСБНИ ЎРГАНИШ  
ИМКОНЯТИ.  
БУ 2019 ЙИЛДА  
ПОЙТАХТИМИЗДА  
ОЧИЛГАН "ИШГА  
МАРҲАМАТ"  
МОНО-МАРКАЗИ  
ТАҚДИМ ЭТАЁТГАН  
КУРСЛАР БЎЛИБ,  
МАРКАЗДА НАФАҚАТ  
ЎҚИШ, БАЛКИ МАЛАКА  
ОШИРИШ, ПУЛЛИК  
АСОСДА ҚЎШИМЧА  
ДАРСЛАРГА ҚАТНАШ  
ҲАМ МУМКИН ЭКАН.



Марказнинг қабул бўлимида ўтирган аёллар хушмуомалалик билан барча маълумотларни тақдим этади. Ўқитиш услуби, сифати ҳақида савол берганимизда, барча мутахассислар малакали экани, марказда натижа муҳимлиги таъкидланди. Чунки у ерда асосан ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган бўлиб, дарслар кунига 4 соатдан, икки сменада ўтказилар экан.

Этиборлиси, бу ерда берилган махсус сертификатнинг оддий курслардан фарқи катта бўлиб, ишга жойлашиш имкони кўрсатилди. Доимий ишга эга бўлмаса, бўш иш ўринлари тақлиф этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож муҳофазатчилар доимий квотали иш билан таъминланиши ҳам мумкин. Чунки бу каби марказлар одамларнинг талаб бор касбларни тезда ўрганиб, ўз ишини топишига қўмақлашиш учун йўлга қўйилган.

Касб-ҳунар йўналишларини шу ихтисосликдаги ўқув юртларига бириктириб, юқори малакали ўқитувчиларни жалб этиш, кечки сабоқларни ҳам йўлга қўйиш ишлари олиб борилаётганини билиб олдик. Бу сўзларнинг қанчалар ҳақиқатга яқин эканини кўзимиз билан кўриш учун ўқув хоналари жойлашган

қаватларга йўл олдик. Йўл-йўлакай учраган одамлар билан суҳбатлашдик. Қаршимдан чиққан икки русийзабон аёлнинг таъкидлашича, марказда назарий билим билангина чекланиб қолишмайди, амалиётга кўпроқ урғу берилди. Шу сабабли бир неча ойлик курслар давомида кўплаб билим ва кўникмага эга бўлиш мумкин. Умуман олганда, сарфланган вақт зое кетмайди. Улар аввал косметология йўналишида бепул курсларни тамомлаб, ишга жойлашган. Маълум муддат ўтгач, қўшимча таълимларга эҳтиёж сезишган. Шу сабабли малакасини ошириш учун пуллик асосдаги дарсларга қатнаётган экан. Аёлларнинг сўзларига кўра, бошқа жойлардан фарқли равишда ҳам арзон, ҳам сифатли билим берилди.

Кейинги суҳбатимиз ҳам хотин-қизларга тахсил берилаётган хонада давом этди. У ерда тирноқ пардозлаш курслари ўтиляётган эди. Опа-сингилларимизнинг дўстона муносабати, ўз ишларига бор диққатини қаратганини бироз кузатиб турдик. Шундан сўнг фойдаланилаётган лак-бўёқ воситалари ҳамда бошқа зарурий буюмлар ким томонидан таъминланиши ҳақида сўрадик. Биринчи босқич амалиётида марказнинг ўзи ажратар экан. Таъкидландики, агар кимда-ким мураккаброқ ишларни ўрганиши истаसा, ҳеч бир муаммосиз қўшимча сотиб олишлари ҳамда янада кўпроқ билимга эга бўлишлари мумкин. Учунчи қаватнинг яна бир

хонаси ҳам ўрганувчилар билан тўла. Ёнма-ён хоналарнинг бирида массаж курслари бўйича назарий дарс, иккинчисида амалиёт ўтиляётган эди.

Биз билан суҳбатда бўлганлар ҳар икки ойда 80 нафардан хотин-қизга массааж сирларини ўргатиш имконияти борлигини қайд этди. Уларга икки мутахассис икки сменада дарс беради. Айни пайтда эса тахминан 200 киши навбат кутаётган экан. Бундан буюн курсга ёзилладиганлар келгуси йилда ўқиш имконига эга бўларкан. Шу билан бирга, пуллик асосда ўқишни истаганлар кутишлари шарт эмаслигини ҳам қўшимча қилишди. Улар тўловни амалга ошириши, янги дарс бошлайдиган гуруҳлар билан бирга ўқиши мумкин.

Эндигина ортага қайтмоқчи бўлиб турганимиз, хонадан бир аёл чиқиб келди. Шунда дарс бераётган устозларнинг муомаласи, қўшимча харажатлар бор-йўқлиги ҳақида сўрадик. Аёллар ҳаммаси илиқ ва самимий муносабатда экани, дарслар сидқидилдан ўтилишини таъкидлади. Тўғриси, хотин-қизларнинг мамнуниятини кўриб, менинг ҳам кайфиятим кўтарилди. Бирор-бир хона йўқ эдики, бўш ёки кулф турган бўлса. Ҳаммасида дарслар қизгин давом этарди. Келиб-кетувилар орасида ҳам кўпроқ аёлларни учратдик.

Игитлар учун ҳам махсус курслар мавжуд бўлиб, у ерда ҳам хотин-қизлар билан бирдек яхши шароит яратилган. Масалан, зарур станоклар, жиҳозлар, муляж ва бошқа амалиёт воситалари

ўрнатилган. Лекин у ерда опа-сингилларимизнинг хоналаридек гавжумлик, фаолликни сезмадик. Шунда хунар ўрганиш, иш излашда хотин-қизлар эркаклардан фаолроқми ёки йигитлар ўқиб, ўрганиши истамайди, деб ўйлаб қолдик.

Яна бир томони, ишсизлар орасида опа-сингилларимиз эркакларга нисбатан кўпроқ, афсуски. Касб-ҳунарли бўлиш ҳам оилада кўпроқ ўғил болаларга насиб этади. Кўпчилик ота-оналар қизлар масаласи турмушга бериб юбориш билан тугайди, деб ҳисоблайди. Бугун моно-марказларда аёллар кўплиги эса ушбу тушунчанинг йўқолиб бораётгани, улар жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга интилатганидан далолатдир.

Аммо яна бир ҳақиқат ҳам бор. Бугун негадир ўғил болалар енгил ҳаётга рўжу қўймоқда. Меҳнат қилиш, рўзғор тебратиш, оилага тиргак бўлиш масалалари, айниқса, катта шаҳарларда унутилиб бормоқда. Бунда ота-оналарнинг ҳам "ҳисса"си бордек. Чунки улар боласини ўқишга жойлаб қўяди, автомобиль олиб беради, доимо пул билан таъминлайди. Назоратни замонавий тарбияга зид, деб ҳисоблашади.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги бир марталик иш билан таъминлаш марказига бордик. Бундай марказлар вақтида катта шов-шув, кичкина бўлмаган маблағга қурилган эди. Каттақон залда икки кишигина ўтирарди. Улар ҳам бир-бирига узоқроқ масофада. Кичкинагина ойнали хонага кирганимизда яна бир кишини учратдик. Ўзини марказ директори, деб таништирган инсон у ернинг фаолияти ҳақида гапириб берди.

Кимсасизлик сабабини ҳамма ишлашга чиқиб кетгани билан изоҳлади. Бирор-бир масалада хизмат керак бўлса, кутишимиз талаб этилишини ҳам қўшимча қилди. Сабаби, айни пайтда таъмирлаш мавсуми қизгин бўлиб, баъзида ишчилар етишмаётган экан. Улардан яна бошқа қатор саволларга ҳам жавоб олгач, ортага қайтдик.

Ҳа, айтганча, бир марталик иш билан таъминлаш марказидан қайтишда бандликка қўмақлашиш марказининг Юнусобод бўлимига учрадик. У ерда ҳам иш сўраб борганлар ва навбат кутиб турганларнинг 90 фоизи хотин-қизлар эди. Ана шунда эркак ва аёлнинг меҳнатга бўлган муносабати ҳақидаги хаёлларимиз қайта жонланди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
"Ўзбекистон овози"  
мухбири.

## Аҳоли муаммоси сайёр қабуллар орқали ҳал этилмақда



Ўзбекистон ХДП Нурота тумани кенгаши раиси Абдурашид Эшмонов ўз сайлов округидаги «Мустақиллик» маҳалласи фуқаролари иштирокида сайёр қабул ўтказди. Қабул жараёнида туман кенгаши депутати Акмал Якубов ҳамда 35 нафар фуқаро иштирок этди.

Қабулда фуқароларни бугунги кунда қийнаб келаётган муаммолар юзасидан фикрлари эшитилиб, мурожаатлари тингланди. Хусусан, таълим кредити олиш, кўчаларни асфальтлаштириш, пиёдалар йўлакчаларини таъмирлаш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларининг уйини таъмирлаш, электр энергияси ва сув таъминотидаги муаммолар бўйича амалий ёрдам сўралди. Мурожаатлар таҳлил этилиб, тегишли тартибда хат ва депутат сўровлари чиқарилди.

Фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатларнинг ижроси партия Кенгаши ҳамда депутатлар томонидан назоратга олинди.

## "Аёллар билан юзма-юз" лойиҳаси амалда



ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши депутати Ф. Акиева ташаббуси билан "Дўстлик" МФЙ га қарашли 3-ИДУМ да "Аёллар билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида хотин-қизларнинг руҳий кечинмаларини аниқлаш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида мактаб психологи билан ҳамкорликда семинар-тренинг ташкил этилди.

Мулоқот мобайнида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мактеби мустақамлаш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш борасида тушунтириш олиб борилди.

## Партиямиз аъзолари сафи кенгаймоқда



Партиянинг дастурий мақсадлари ва фаолиятини тарғиб этишда ҳудудий партия ташкилотларининг ўрни бекиёс.

Бугунги кунда Ўзбекистон ХДП маҳаллий Кенгашлари томонидан лойиҳалар доирасида ўтказиладиган тадбирлар ва тарғибот тадбирларида бошланғич партия ташкилотлари фаол ташаббус кўрсатмоқда.

ЎзХДП Наманган шаҳар кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилотларининг 21 таси ҳудудий партия ташкилотлари ҳисобланади.

Наманган шаҳридаги 82-сонли умумий ўрта таълим мактаби энг фаол "Зиёлилар" ҳудудий партия ташкилоти ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 31 йиллик байрами арафасида таълим муассасасининг бир гуруҳ ўқитувчилари партия аъзолик сафига қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

**I ВА II ГУРУҲ НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯСИ ТАЙИНЛАНГАНИДАН  
КЕЙИНГИ ИШЛАНГАН ВАҚТ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ**

Манба: ЎРҚ-795-сон, 26.10.2022 й. @huquqiyaxborot

Ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари

Ўғай ота ва ўғай онанинг вафот этган ўғай ўғилни (қизни) тарбиялаганилиги ёки боққанлигини аниқлаш тартиби **Вазирлар Маҳкамаси томонидан** белгиланади

Хисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга

пенсияни хисоблаш базавий миқдорининг **100 фоиздан 150 фоизгача** белгиланади

Бунда уларнинг пенсиясига устама тўлаш тартиби **Вазирлар Маҳкамаси томонидан** белгиланади

I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейинги ишланган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади

I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин **камиди 1 йил иш стажига эга бўлса**, фуқаронинг аризаси асосида иш стажини ва иш ҳақи иннобатга олинган ҳолда **пенсия ҳар 2 йилда бир мартаба қайта хисоблаб чиқилади**

Бунда пенсияни қайта хисоблаш фуқаро пенсия миқдорини қайта хисоблаш учун **муружаат қилган санадаги ишга нисбатан талаб қилинган иш стажидан келиб чиққан ҳолда** амалга оширилади.

TANLOV

+7  
+12 Корақалпоғистон  
Республикаси  
Хоразм+12  
+17 Бухоро  
Навоий+10  
+15 Тошкент  
Самарқанд  
Жиззах  
Сирдарё+14  
+19 Қашқадарё  
Сурхондарё+10  
+15 Андижон  
Наманган  
Фарғона+11  
+13 Тошкент  
шаҳри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



## “БАРМОҚЛАРДА ОЛАМ ТАФТИ”

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар 34-сонли таянч ҳаракат аъзолари шикастланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ёшлар сектори, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши, Олий Мажлис Сенати ҳузурдаги Ёшлар

парламенти аъзолари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Ангрен шаҳар бўлими билан ҳамкорликда “Бармоқларда олам тафти” лойиҳаси ўтказилди.

Ноғиронлиги бўлган болажонларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини ривожлантириш ва уларни касбга йўналтириш мақсадида ташкил

этилган танлов иштирокчиларининг беғубор болалик тасаввурлари билан чизган расмларини кўриб кўзингиз қувонади. Ёш мўйқалам соҳибларидан бири жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаётганини тасвирласа, кимдир она тисолини, яна кимдир болалик чоғларини тасвирламоқда. Энг асосийси, болажонлар ўзларига бўлган ишончининг ортириб бориши, янгиликлар яратилган интилиши, тенгдошлари қаторида бўлишга ҳаракат қилаётганидир. Тадбир давомида болажонлар томонидан қўл меҳнатидан ясалган буюмлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

“Бармоқларда олам тафти” лойиҳаси доирасида ташкил қилинган расмлар танловида 20 нафар ўқувчи ёшлар қатнашган бўлса, кўргазмада 50 нафар боланинг ясаган буюмлари кўйилди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ёшлар сектори, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши, Олий Мажлис Сенати ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Ангрен шаҳар бўлими томонидан ғолиб ўқувчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Барча қатнашчилар ҳомийларнинг совғалари ва сертификатлар билан тақдирланди.

Бу каби лойиҳалар Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида тизимли равишда ўтказиб борилади. Мақсад имконияти чекланган истеъдодли ёшлар жамятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдир.

Ўз мухбиримиз.

## Масъулият ва жавобгарлик билан



Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат хизматчиси фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича ҳам жиддий чоралар кўрилмақда.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат

фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони асосида давлат органлари ва ташкилотларини малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминлаш, кадрлар малакасини ошириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини кўтариш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди.

Тараққиёт стратегиясида ҳам давлат ташкилотларининг халқимизга хизмат қилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу асосда жорий йилнинг август ойида давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи ва улар фаолиятини ягона қоидалар асосида ҳуқуқий тартибга солувчи “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ҳужжат 10 та боб, 64 та моддадан иборат.

Мазкур қонун давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг касбга оид сифатлари, давлат фуқаролик

хизматига кириш, ўташ ва тугатиш жараёнларини тартибга солиш, давлат фуқаролик хизматчиларининг касбга лаёқатлигини ва профессионаллигини оширишда шарт-шароитлар яратилган хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, давлат фуқаролик хизматида кириш қоидаларининг тартиби дунёнинг деярли барча мамлакатларида мавжуд. Болгария, Германия, Қозғистон, Қирғизистон, Латвия, Польша, Россия, Франция, Япония ва бошқа мамлакатларнинг давлат хизмати тўғрисидаги қонунларида хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш, давлат хизматида ўсиш, бошқа давлат лавозимига ўтиш, меҳнатига ҳақ тўлаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақти ва меҳнат таътиллари кенг тартибга солинган. Хусусан, Жанубий Европа (Германия, Франция, Нидерландия ва бошқалар) ҳамда Шарқий Осиё (Япония) мамлакат-

ларининг давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунларида давлат хизматида кириш тартиби батафсил ёритилган.

Давлат фуқаролик хизматининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланиши давлат фуқаролик хизматида коррумпция ва бошқа суиистеъмолликларнинг олдини олиш, мунтазам равишда малака ошириш ва қайта тайёрлашга асос бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда кейинги йилларда давлат хизматчиси фаолияти меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тўла таъминланиши амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида мамлакатда давлат хизматчиларида ўз хизмат вазифаларига масъулият ва жавобгарлик ҳиссини янада юксалтиришга, меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Шерзод АЛЛАБЕРДИЕВ,  
“Ўзбекистон темир йўллари”  
АЖ “14-сонли рельс  
пайвандлаш поезди” УК  
бошлиғи.**

## Депутат ташаббуси асосида



Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда ўзгаришлар ҳар биримизга эртанги кунга ишонч ва умид бағишлайди. Кейинги йилларда аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш ва муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён-

да жонбозлик кўрсатиб, тинимсиз ҳаракат қилиш ҳар биримиздан улкан масъулият талаб этади. Айниқса, жойларда фаолият юритаётган, халқ ишонган вакилларида ҳисобланган депутатларнинг фаолиги муҳим саналади. Депутатлар орасида албатта, фидойилари талайгина.

Деҳқонobod туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутат Турдикул Маманов ана шундай депутатларидан ҳисобланади. Унинг саяё-ҳаракати билан «Янги Ўзбекистон» маҳалласидаги «Консой» қишлоқ аҳолисига электр токи етказиб бериш ишлари якунига етмоқда. Шунингдек, депутатимиз томонидан Хўжамахмуд-Деҳқонobod йўли таъмири учун асфальт келтирилиб, ётқизилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли.

– Энергетика вазирлигининг ҳудудий электр тармоқлари акциядорлик жамятига бир неча бор халқ номидан депутатлик сўровлари билан мурожаат қилган эдик. Натижада ички «Консой» қишлоғи ҳамда «Жайрабулоқ» қишлоқлари электрлаштирилдиган бўлди, – дейди Турдикул Маманов. – Биз одамларга амалий ишларимиз билан керакмиз. Улар билан ҳаммаша яқин муносабатда бўлиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшишимиз керак.

Ўз мухбиримиз.

**Тўлқин РЎЗИЕВ,  
ЎЗА мухбири.**

ЭЪЛОН

## Диққат, тендер!

**“Ўзбекгидроэнерго” АЖ мазкур йирик стратегик объектни қуриш лойиҳасини бошқариш учун РМС (Project Management Contractor) пудратчи ёллашга тендер савдоларини эълон қилади**

Марказий Осиёда илк бор бунёд этилаётган бандлиги 195 метр бўлган темир-бетон экранли Пскем ГЭС тўғрисида қурилишида илғор жаҳон тажрибасини қўллашга киришилди.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ мазкур йирик стратегик объектни қуриш лойиҳасини бошқариш учун РМС (Project Management Contractor) пудратчи ёллашга тендер савдоларини эълон қилади.

МДХ давлатларида янгилик ҳисобланган

РМС пудратчидан фойдаланиш тажрибаси илғор Ғарб давлатларида қарий 30 йилдан буён қўлланиб келинмоқда.

РМС пудратчи тўғон қурилиши контракт устидан техник-технологик, молиявий, экологик жиҳатидан назорат ўрнатиб, гидротехник иншоотларнинг ва конструкцияларнинг хавфсизлиги ва ишончилигини, қурилишининг юқори сифатини кафолатлайди.

**Тендер савдоларида иштирок этиш истагиди бўлганлар 2022 йилнинг 2 декабрга қадар <https://xt-xarid.uz/procedure/580827/core> электрон манзилига жойлаштирилган ҳужжатлар билан танишиш ва ўз таклифларини киритиш имкониятига эгалар.**

**АО «Ўзбекгидроэнерго» объявил тендер на привлечение РМС подрядчика (Project Management Contractor) для управления проектом строительства данного крупного стратегического объекта.**

Впервые в Центральной Азии предусматривается строительство плотины Пскемской ГЭС с железобетонным экраном высотой 195 метров с применением передовой мировой практики.

АО «Ўзбекгидроэнерго» объявил тендер на привлечение РМС подрядчика (Project Management Contractor) для управления проектом строительства данного крупного стратегического объекта.

Опыт использования РМС подрядчика,

считающийся новинкой в странах СНГ, активно применяется в передовых странах Запада на протяжении почти 30 лет.

РМС подрядчик контролирует исполнение контракта на строительство с технико-технологической, финансовой и экологической сторон, тем самым гарантирует безопасность и работоспособность гидротехнических сооружений и высокое качество строительства.

**Компании, изъявившие желание принять участие в тендере, могут ознакомиться с тендерной документацией, которая размещена в открытом доступе по адресу <https://xt-xarid.uz/procedure/580827/core>, и подать свои предложения до 2 декабря 2022 года.**

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston ovozi

ТАХРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOVATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Shuhrat ISLOMOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**  
Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 1141. 1850 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda